

2-1-2018

COMPILE INFORMATION OF FINANCIAL REPORTS BASED ON INTERNATIONAL STANDARTS IN SMALL INDUSTRIAL ZONES

S. Djumanov
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Djumanov, S. (2018) "COMPILE INFORMATION OF FINANCIAL REPORTS BASED ON INTERNATIONAL STANDARTS IN SMALL INDUSTRIAL ZONES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 8.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Джуманов С.А. – ТМИ,
мустақил изланувчи

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АХБОРОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА КОМПИЛЯЦИЯ ҚИЛИШ

Мазкур мақолада республикамізда фаолият юритаётган кичик саноат зоналарида молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида компиляция қилишнинг айрим назарий ва амалий масалалари тадқиқ этилган. Пировардида муаммонинг ечимига оид илмий хулосалар ва амалий таклифлар берилган.

Калитли сўзлар: кичик саноат зоналари, молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар, компиляция, трансформация, ахборотларини йиғиш, гуруҳлаштириш ва қайта ишлаш.

В данной статье рассматриваются некоторые теоретические и практические вопросы компиляции финансовой отчетности на основе международных стандартов бухгалтерского учета и аудита в малых промышленных зонах, действующих в нашей стране. В итоге представлены научные выводы и практические рекомендации для решения проблемы.

Ключевые слова: малые промышленные зоны, финансовая отчетность, международные стандарты, компиляция, трансформация, сбор, группировка и обработка информации.

This article examines some theoretical and practical issues of compiling financial reporting on the basis of international accounting and auditing standards in small industrial zones operating in our country. Ultimately, scientific findings and practical recommendations for the solution of the problem are presented.

Keywords: small industrial zones, financial reporting, international standards, compilation, transformation, collection, grouping and processing of information.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри туманлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлари чоғида бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларини бориб кўрди. Улардан

самарали фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида ушбу бинолар негизида кичик саноат зоналари ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизда уларнинг сони 96 тага етди. Кичик саноат зоналарида тадбиркорлар ва ходимлар учун зарур шароитлар яратилган. Кичик саноат зоналарининг ягона бошқарув органи - дирекциялар ташкил этилган бўлиб, юридик ва нотариус хизматлари йўлга қўйилган, тиббиёт хоналари, "Гўзаллик салонлари", ошхоналар ишламоқда. Тадбиркор ва ишбилармонларга қўшимча равишда кредит олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда муаммо бўлмаслиги учун ҳар бир зонага муайян тижорат - банкининг минибанки бириктирилган. Бозор конъюнктураси ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истиқболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилган.[7.,б 1.]

Ҳужжатга кўра, КСЗ ҳудудида жойлашган кўчмас давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгиланади. Кичик саноат зонасида ишлайдиган субъектлар 2 йилгача барча солиқлардан озод этилган.[6.,б.1]

Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Реконструкция ва ривожланиш фондида 50 миллион доллар ҳажмидаги кредит линиясини очиш вазифасини топширди. Бу пуллар импорт ускуналар ва бутловчи қисмлар харидига йўналтирилади.

Бугунги кунгача ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўринлари яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган энгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.[5.,б.4]

Президент Шавкат Мирзиёев кичик саноат зоналарининг сармояларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги аҳамияти хусусида алоҳида тўхталиб, тегишли вазирлик, идора ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бу соҳадаги фаолиятини танқид қилиб, уларда ташаббускорлик етишмаслиги, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилиш даражаси сустлигини таъкидлади.

Биз тадқиқотлар олиб борган Тошкент шаҳар «Олмазор кичик саноат зонаси» акциядорлик жамияти «ONIKS» акциядорлик жамияти базасида ташкил этилган бўлиб, “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси 54,92% ёки 72504 дона акцияларга эгаллик қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ электр техника ва композит материаллар йўналишида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун топширилаётган ҳудудлар бундан мустасно қилиб белгиланган.

Акциядорлик жамияти молия-хўжалик фаолиятини "ХВ finance consulting" МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан мажбурий аудитдан ўтказилган ва

текшириш натижалари бўйича 2017 йил 27 июнида ижобий аудиторлик хулосаси берилган.

1-жадвал

**Тошкент шаҳар «Олмазор кичик саноат зонаси» акциядорлик жамияти
эмитентларининг 2016 йилги молиявий-иқтисодий ҳолати кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Коэффициентлар
1. Устав капитали рентабеллиги коэффициенти	-0,05
2. Умумий тўлов қобилияти коэффициенти	1,05
3. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	1
4. Ўз маблағлари ва жалб этилган маблағларнинг нисбати коэффициенти	1,62
5. Асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти	0
6. Эмитентнинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағларнинг нисбати коэффициенти	0

Манба. «Олмазор кичик саноат зонаси» акциядорлик жамияти маълумотлари.

Эмитентлари молиявий-иқтисодий ҳолати кўрсаткичлари таҳлили қимматли қоғозлардан олинган даромадлар бўйича мавжуд қарздорлик (оддий акциялар бўйича) ўтган даврлар жамиси 53583 сўмни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда эътироф этиш зарурки, молиявий ахборот компиляцияси иқтисодиётимизда қўлланилмаяпти, унинг назарий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилмаган, айниқса, кичик саноат зоналарида инвестицияларни жалб қилиш, бухгалтерия ҳисоби ахборотларини йиғиш, гуруҳлаштириш ва қайта ишлаш, молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция ва трансформация қилиш муаммолари комплекс ҳолда ҳали умуман ўрганилмаган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳатто Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 529-540 бетларида “К” ҳарфининг изоҳли талқинида ҳам “компиляция” сўзи келтирилмаганлиги бу соҳада республикамиз иқтисодчи олимлари олдида масъулиятли вазифа турганлигидан далолат беради.[8.,б .529-540]

Ҳозирги пайтда республикамиз акциядорлик жамиятлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларни аудиторлар, маҳаллий ва халқаро экспертларга қўшимча маблағ ва харажатлар эвазига молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтказмоқдалар. Фикримизча, бу эскирган амалиётга чек қўйиш вақти келди, чунки бухгалтерия ҳисобининг биринчи миллий стандартларининг қабул қилингани ҳам йигирма йилча бўлиб қолди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнида муаммонинг ҳозирги ҳолати мавзунинг ўта долзарблигидан далолат беради ва бу соҳада илмий-тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Кичик саноат зоналарида бухгалтерия ҳисоби ахборотларини йиғиш, гуруҳлаштириш ва қайта ишлаш, молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилишни такомиллаштиришнинг айрим

назарий ва услубий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Иқтисодчи олима Костюкевич Ю.М. компиляцияни аудитнинг қўшимча хизматлари сифатида таъкидлайди: “Одатда молиявий ҳисобот компиляцияси ўз ичига (бухгалтерия) молиявий ҳисоботини тузиш, шунингдек, уни йиғиш, гуруҳлаш ва умумлаштиришни ҳам олади.

Бироқ, молиявий ҳисобот компиляцияси – бу ундаги ахборотларнинг ҳаққонийлигини текшириш ёки бухгалтерга бухгалтерия ҳисоботини тузишни ташкил этишда ёрдам беришга оид хизмат кўрсатади- дегани эмас.

Молиявий ҳисобот компиляциясининг асосий мақсади - бу молиявий ахборотни фойдаланувчилар учун тушунишга ўнғай, бошқарувга зарур стандарт тўпламдаги (баланс ва унинг иловалари шаклида) ёки бошқа томонлар тасдиқлаган (масалан, статистик ҳисобот шакллари) шаклга келтириш тушунилади”. [8., с.2.]

Проф.Шеремет А.Д. бу муаммони прогнозлаштирилган молиявий ахборотни текшириш нуктаи-назаридан тадқиқ қилган.

Олимнинг таъкидлашича, молиявий ахборотларни текшириш 810-сонли аудитнинг халқаро стандарти(АХА), шунингдек, Россия Федерациясининг аудиторлик фаолияти қоидалари (стандартлари)га биноан тартибга солиб борилади.

Прогнозлаштирилган молиявий ҳисобот бир ёки кўп вариантли кўринишда тайёрланиши мумкин.

Бир вариантли прогнозлаштирилган молиявий ҳисоботда иқтисодий субъект раҳбарияти муайян воқеа-ҳодисалар ва айрим ҳаракатлар юз бериши эҳтимолини назарда тутишига асосланади.

Кўп вариантли прогнозлаштирилган молиявий ҳисоботда келгусидаги воқеалар ва ҳаракатлар ҳар хил бўлишини инobatга олиб, иқтисодий субъектнинг ривожлантиришнинг турлича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш мақсадини кўзлайди. [9., с.1.]

Бизнинг фикримизча, молиявий ахборот компиляцияси деганда, аудиторнинг қўшимча хизматлари турига кириб, молиявий ахборотларни йиғиш, гуруҳлаш ва умумлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан тузилган молиявий (бухгалтерия) ҳисоботини халқаро стандартларга ўтказиш (трансформация қилиш) тушунилади.

Молиявий ахборотлар компиляцияси жараёнида аудитор куйидаги ахлоқий тамойилларга асосланиши керак:

- а) ҳалоллик;
- б) объективлик;
- в) касбий маҳорат ва виждонлилик;
- г) сир сақлаши;
- д) юқори касбий ахлоққа эга бўлиши;
- е) мазкур фаолиятни тартибга солувчи ҳужжатларга риоя қилиш.

Молдовияда 810–сонли аудитнинг миллий стандарти “Прогноз молиявий ахборотни ўрганиш”-деб номланади. Бу стандарт Халқаро бухгалтерлар

федерацияси томонидан 2000 йил тахририда қабул қилинган 810–сонли аудитнинг халқаро стандарти “Прогноз молиявий ахборотни ўрганиш” (ISA 810 "The Examination of Prospective Financial Information") асосида ишлаб чиқилган. [13.]

Россия Федерациясида молиявий ахборотларни текшириш 810-сонли аудитнинг халқаро стандарти (АХА), шунингдек, Россия Федерациясининг 1-сонли аудиторлик фаолияти қоидалари (стандартлари) “Молиявий ахборот компиляцияси”га биноан тартибга солиб борилади. Бу қоидалар(стандарт) етти қисмдан иборат қилиб тасдиқланган:

- муқаддима;
- молиявий ахборот компиляциясининг мақсади;
- молиявий ахборот компиляциясини бажаришнинг умумий тамойиллари;
- молиявий ахборот компиляцияси шартларини аниқлаш;
- муолажалар(процедуралар);
- молиявий ахборот компиляциясининг бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тайёрлаш;
- молиявий ахборот компиляциясининг бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботлар Намуналари (Стандартга иловалар);

Мазкур ҳужжатга биноан компиляциянинг мақсади - аудитор учун бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги эксперт билимларидан фойдаланиш ҳисобланади, аммо аудит соҳасидаги эксперт билимларидан фойдаланиш эмас. Одатда бу молиявий(бухгалтерия) ҳисоботини тузиш сабабларини текширмасдан, балки унинг асосида ётувчи батафсил молиявий ахборотларни тушуниш ва бошқариш учун ўнғай шакл ёки ҳолатга келтириш тушунилади. Бунда аудитордан молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ёки тўғри тузилганлиги бўйича фикр билдириш ёки хулоса бериш талаб этилмайди. Чунки компиляция аудиторнинг шартнома асосидаги қўшимча хизматлари туркумига киради [12.]

Ўзбекистонда аудитнинг халқаро стандартлари Халқаро Бухгалтерлар Федерациясининг расмий рухсати билан ўзбек тилидаги 2013 йил ҳолатида чоп этилган 3 томдан иборат Сифат назорати, Аудит, Кўриб чиқиш, Бошқа ишонч билдириш ва Турдош хизматларнинг халқаро стандартлари амал қилмоқда.

Компиляцияни амалга оширишда аудиторнинг хизмат вазибалари доирасига одатда хўжалик юритувчи субъект раҳбарига сўровнома юбориш, мулклар(воситалар)ни ва ички назорат тизимини баҳолаш, олинган тушунтиришларни у ёки бу шаклда текшириш кирмайди.

Аудитор компиляция жараёнида қўшимча хизматлар учун шартнома тузган хўжалик субъекти фаолияти тўғрисида кўрсатилган шахсдан аввалги иш тажрибаси бўйича, шунингдек, унинг ходимларидан ҳам маълумот олиши мумкин.

Молиявий ахборотлар компиляцияси пайтида аудитор қўшимча хизматларга шартнома тузган шахснинг молиявий-хўжалик операциялари, хўжалик муомалаларини амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишнинг бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ҳақида умумий тасаввур ва тушунчага эга бўлиши зарур.

Аудитнинг халқаро ва миллий стандартларининг қиёсий таҳлили

Аудитнинг халқаро стандартлари	Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС)
АХС 220, «Молиявий ҳисоботлар аудити сифатини назорат қилиш»	АФМС № 5 Аудитор ишининг сифатини назорат қилиш
АХС 300, «Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш»	АФМС № 3 Аудитни режалаштириш АФМС № 31 Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш
АХС 500, «Аудиторлик далиллари»	
АХС 510, «Дастлабки аудит келишувлари – бошланғич қолдиқлар»	
АХС 520, «Таҳлилий тартиб-таомиллар»	АФМС № 13 Таҳлилий амаллар
АХС 530, «Аудиторлик танлаш»	АФМС № 14 Аудиторликда танлаш
АХС 550, «Ўзаро боғлиқ томонлар»	АФМС № 55 Ўзаро боғлиқ томонлар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далиллари олиш таомиллари
АХС 560, «Кейинги ходисалар»	АФМС № 56 Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ходисалар
АХС 610, «Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш»	
АХС 620, «Аудитор томонидан жалб қилинган эксперт ишидан фойдаланиш»	АФМС № 16 Эксперт ишидан фойдаланиш
АХС 700, «Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр хосил қилиш ва ҳисобот (хулоса) бериш»	АФМС № 70 Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тугрисидаги аудиторнинг ҳисоботи
АХС 705, «Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси)да фикрни модификациялаш»	
АХС 706, «Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси) да тушунтириш параграфлари ва бошқа масала параграфлари»	
АХС 710, «Қиёсий ахборот – қиёсий кўрсаткичлар ва қиёсий молиявий ҳисоботлар»	
АХС 720, «Аудит ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисоботлар ифодаланган ҳужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги»	АФМС № 10 Молиявий ҳисобот таркибидаги бошқа маълумот
АХС 800, «Махсус масалалар – махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудити»	АФМС № 80 Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудиторнинг ҳисоботи
АХС 805, «Махсус масалалар – айрим молиявий ҳисоботлар ҳамда молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, сўтлар ёки моддалар аудити»	
АХС 810, «Қисқартирилган молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот (хулоса) тақдим этиш келишувлари»	

Изоҳ. Стандартлар муаллиф томонидан мавзуга оидлари қисқартилган ҳолда танлаб олинган.

Молиявий ахборот компиляциясининг бажарилганлиги тўғрисидаги аудитор миқозга ҳисобот тайёрлаганда унинг титулида ёки ҳар бир варағига уч хил ёзув қилиниши мумкин:

- молиявий ахборот компиляцияси аудит ўтказилмасдан амалга оширилган;
- аудит ёки танланма текшириш ўтказилмасдан компиляция бажарилган;
- молиявий ахборот компиляция қилинганлиги тўғрисида ҳисобот тузилган ва тақдим қилинган.

Компиляция бўйича аудиторнинг ҳисоботи ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Салбий компиляция ҳисоботи молиявий(бухгалтерия) ҳисоботи тузиш тамойиллари бузилган ёки ундан четга чиқилган ҳолларда тақдим қилинади. *Мисол учун*, хўжалик субъекти раҳбарияти томонидан лизинг шартномаси асосида олинган асосий воситалар узоқ муддатли активлар таркибида акс этирилмаганлиги аниқланган. Бироқ, лизингга олувчининг балансида ижара шартномаси кўра бу активлар асосий воситалар таркибида ҳисобга олинувчи молиявий ижара кўринишида тан олинishi лозим эди. Ушбу ҳолат мол-мулк солиғига, рентабеллик даражасига ва бошқа иқтисодий омилларга таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги расмий сайтида эълон қилинган (www.mf.uz) 2009 йилнинг 15 декабрида ёки ушбу санадан кейин бошланадиган даврлар учун молиявий ҳисоботларнинг аудитига нисбатан кучга киритилган 810-сонли Аудитнинг халқаро стандарти “Қисқартирилган молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот (хулоса) тақдим этиш келишувлари “ деб номланади ва у кичик саноат зоналари учун қўллашга тавсия қилинади.

Шунингдек, компиляцияга тегишли айрим жумлалар Ўзбекистон Республикаси 80-сон АФМС «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи»да учрайди.

Жумладан:

“3.Аудитор ҳисоботи қуйидагиларнинг аудиторлик текширувлари яқунлари бўйича тузилади:

е) бошқа молиявий ахборот.

4.Махсус саволни текшириш буюртмачиси молиявий ахбороти текшириладиган хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, иштирокчи ва акциядорлари, мазкур хўжалик юритувчи субъектда махсус саволни текширишни ўтказиш ташаббускори бўлган назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлиши мумкин”. [11., б.3.]

Кичик саноат зоналарида молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция ва трансформация қилиш йўналишларини ишлаб чиқиш бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим асос бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий қоидалар ва тушунчалар кичик саноат зоналарида молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилишни такомиллаштириш тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланишда, кичик саноат зоналарида

бухгалтерия молиявий ҳисоботи ва аудитни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиши кўзда тутилган.

Таклифимизча, кичик саноат зоналарида молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция ва трансформация қилишнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида Молия вазирлиги қошидаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит методологик кенгаши фаолиятини жонлантириш, компиляция бўйича миллий стандарт ишлаб чиқиш, меъёрий-услубий ва ўқув адабиётларини тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқотлар олиб жараёнларини мувофиқлаштириб бориш зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда). http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036

3. Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2017 йил 18 май, ПҚ-2973-сон. http://lex.uz/pages/_3215860

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 1-сон, 10-модда; 2016 й., 17-сон, 176-модда; 18-сон, 197-модда; 2017 й., 33-сон, 863-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.11.2017 й., 09/17/907/0245-сон)

5. Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Халқ сўзи, 2017 йил 10 октябрь. <http://xs.uz/index.php/homepage/iqtisodijot/item/11367-erkin-iqtisodij-zonalar-va-kichik-sanoat-zonalarini-rivozhlantirish-masalalari-muhokama-qilindi>

6. Тошкент вилоятида 17 кичик саноат зонаси ташкил қилинади. <http://yangiliklar.net/toshkent-viloyatida-17-kichik-sanoat-zonasi-tashkil-qilinadi>

7. Кичик саноат зоналари иқтисодий тараққиётнинг фаол иштирокчиси. <http://uza.uz/oz/business/kichik-sanoat-zonalar-i-tisodiy-taraqqiyyetning-faol-ishtirokchisi-22-08-2017>

8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси “К” ҳарфи. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000-2005 йй., 529-540 бетлар.

9. Костюкевич Ю.М. Сопутствующие аудиту услуги. http://kostyukevich.ru/page_id=201

10. Шеремет А.Д. Аудит. М.: Электронный учебник.<http://zachetka.pf/book.V8.html>

11. Молия вазирининг 29.05.2017 й. 55-сон "Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (80-сон АФМС) "Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Буйруғи (АВ томонидан 01.06.2017 й. 1220-1-сон билан рўйхатга олинган)

12. Правило(стандарт) № 31 Российской Федерации. “Компиляция финансовой информации”. <http://be5.biz/ekonomika/as/31.htm>[дата обращения 22 январь 2018 г.]

13. Национальный стандарт аудита Республики Молдова 810."Изучение прогнозной финансовой информации". <http://www.moldauditing.md/ru/page/natsional-nyi-standart-audita-810>[дата обращения: 14.06.2017]